


А. Абалян фотомонтажи.



# Хўжа кўрсинга...



Коммунистик меҳнат, юксак маданият шаҳар учун курашиш ташаббусини бошлаб берган чирчиқликлар ўзлари яшаб турган кўча, квартал ва турар-жой биноларини озода сақлаш, қурилиш ишларини тезлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шаҳар меҳнаткашларининг гайрати билан тобора гўзаллашиб бормоқда. Суратда: шаҳар кўриниши. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

## Тошкент янгиликлари

### Ўзбекистон геологларига Ленин мукофотлари топширилди

30 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Геология ва ер ости бойликлари қўриқлаш Бош бошқармасида республиканинг бир гуруҳ геологларига Ленин мукофоти лауреати диплом ва медалларини топширишга бағишланган тантанали мажлис бўлди. Маълумки, СССРдаги энг йирик Газли табиий газ конларини топиш ва разведка қилиш соҳасидаги ишлари учун бу йил уларга ана шу юксак ном берилган эди.

Ленин мукофотлари комитетининг топшириғига мувофиқ, мажор комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев Бутунитиқоф табиий газ илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг директори ўртоқ Б. В. Бухрашев, «Ўзбекнефтегазразведка» трестининг бош геологи Л. Г. Жуковскийга ва Ўзбекистон ССР Главгеология бошқармаси геология-қидирув конторасининг бош геологи К. А. Сотиридига лауреат дипломи ва медалларини топширди. Шу ерда ҳозир бўлган

кишилар қидирув партиясининг ҳозир командировкада бўлган бошлиғи В. И. Черновга Ленин мукофоти берилишини ҳам қизғин табриклади.

Х. М. Абдуллаев Ленин мукофоти лауреатларини самимий табриклади, республиканинг барча олимлари номидан уларнинг ҳормай-тоймай бажарётган ижодий ишларида янги муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон ССР Главгеология бошқармаси бошлиғи Х. Т. Тўлаганов, бошқарманинг бош инженери И. П. Батаев, нефть ва газ бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари А. И. Крейтер, Қашқадар геология разведка экспедициясининг бошлиғи А. Ш. Шомансуров уларни қизғин табриклаб, нутқ сўзладилар.


Ленин мукофоти лауреати номини олишга сазовор бўлган геологлар ўз меҳнатларига юксак баҳо беришгани учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматида ташаккур наҳор қилдилар, бутун билим ва тажрибамизни республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришга сарф қиламиз, деб ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

### Полимердан буюмлар

Аҳолининг кенг истеъмол буюмларига талаби ошиб бораётган. Шунинг учун Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли саноат бошқармаси ана шундай буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қатор ташиқий-техникавий тадбирларни амалга оширди.

Яқинда Кимё-саноат фабрикаси коллективи пластикат пленка тайёрлашни ўзлаштирди. Илгери бу маҳсулот Киев шаҳридан ташиб келинади. Эндиликда турли дастурхонлар, дўррача ва канпошонлар, ёмғир ўтказмайдиган плащлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган пластикат пленкадан тайёрланмоқда.

1-ўқимачилик-саноат ва «Искра» фабрикаларида қуйилган полимер материаллардан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам тўла ўзлаштирилди.



### ШАХМАТ ТАРИХИДАН

## «Ўйинларингиз Алехинни эслатади»

— Офарин, Пулатхон, офарин! Ўйинларингиз Алехинни эслатади. — Федор Иванович шу сўзларни айтиди, сукут кичда кўнгра ёш олди... Ҳозирги энг кеска совет шахматчиларидан бири, хизмат кўрсатган спорт мастери Федор Иванович Дуз-Хотимирский Ўзбекистонда бир неча бор бўлган, ҳатто Тошкентда яшаган ҳам. Унинг Ўзбекистонга қилган биринчи сафари 1926 йилда бўлиб, шунда у республикамизнинг кўнгра шаҳар ва қишлоқларини айланиб чиққан, шахмат ташкилотларига ва энг динига уюшиб келаётган шахматчиларимизга амалий ёрдамлар кўрсатган.

Дуз-Хотимирский Кўнграда бўлганида шахматнинг энг кучли шахматчиларидан бири Пулатхон Саидхонов билан яқиндан танишди. Бир неча кун давомида у билан амалий партиялар ўйнади ва ҳар учрашувдан кейин Саидхонов ўйинидаги яхши ва заиф томон

лар ҳақида гапириб, қimmatли маслаҳатлар беради. Шундан кейин Саидхонов ўз ўйинида аниқгина икбий ўзгаришлар асқалганлигини сезди. — Индамай қолганим, хафгарчилигим сизни ранжитмасин, Пулатхон. Мен, оддий бир ўзбек йигити бўлган сизнинг шахматдаги қобилиятингиздан мамнунман, албатта. Эсимга тушиб кетган воқеадан сизни ҳам хаёбдор қилмасам қўнграм тинчимайдиганга ўхшайди...

Бундан 20 йилларча муқаддам, мен Москвада ҳозиргина сизга унинг комбинацияларини маънафитан Александр Алехин билан танишдим. Бир неча ой давомида унга — Сашага билангарилини ўргатиш шарафига муассар бўлган эдим. Уша вақтлардаёқ Алехиннинг келгусида зўр шахматчи бўлиб етишишга аниқ ишонардим. Чунки унда шахматчи учун зарур бўлган барча ҳуусиятлар мавжуд эди. Илгилар ўта бошладим. Мана ҳозир Алехин жаҳон чем

### ЯПОНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING МУВАФФАҚИЯТИ

ТОКИО, 29 август. (ТАСС). «Асхата» газетаси ўзининг бугунги сонидида хабар қилишича, Наса шаҳрида (Кагосима префектураси) шаҳар мажлисига ўтказилган муниципал сайловларда Коммунистик партия учун 20 миң овоз берилди. Бу микдор либерал-демократик ва социалистик партияларнинг кандидатлари олган овозларнинг умумий миқдорига тенгдир. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда шаҳар мажлисида Япония Коммунистик партияси 6 депутатга, социалистик партия 3 депутатга, либерал-демократик партия 3 депутатга эга. Қолган 18 ўрин мустақил партияларга тегишлидир.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари министрининг маълумотларига кўра, Коммунистик партия муниципал мажлисларда 361 ўринга эга.

### БУЮК БРИТАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING 40 ЙИЛЛИГИ

ЛОНДОН, 29 август. (ТАСС). Кеча Лондондаги Сент-Панкрас ишчилар райони ратушасининг залида Буюк Британия Коммунистик партиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Англия ишчилар синфи нагор отрядининг шоили йиллигини нишонлаш учун элга Буюк Британия партия ва комсомолнинг район ташкилотлари делегатлари, партия ижроия комитетининг аъзолари, Англия ишчилар ҳаракатининг ветеранлари тўпландилар.

Мажлисни Компартия раисининг ўринбосари Палм Датт очди. П. Датт элга партия асосланганидан бери унинг сафарларида бўлган 138 коммунист борлигини айтганда, бу хабарни элгадиқлар гулдўрос қарсақлар билан қутиб олдилар.

Компартия асосчиларидан бири халқаро коммунистик ҳаракатнинг

кекса арбоби Уильям Галлахер сўз олади. У, ўзининг оташин нутқида партия асосланган вақтдан бери ўтган 40 йил ичида босиб ўтилган йўл ҳақида ва шу давр ичида дунёда бўй берган жуда катта социал ўзгаришлар ҳақида гапирди. Галлахер компартиянинг ишчилар синфи ишига, тинчлик ва прогресс ишига содоқатини таъкидлаб кўрсатди. Нотиқ Англия коммунистларининг дунёдаги биринчи социалистик давлат — Совет Иттифоқи меҳнаткашлари билан бўғилмас алоқасини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Рансик қилувчи 40 йиллик муносабати билан партия ижроия комитети номига қардош Коммунистик партиялардан кўнгра кўнгра табриқномалар келганлигини эълон қилди. Палм Датт Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Франция, Австралия, Хиндистон, Испания, Жанубий Африка Иттифоқи Коммунистик партияларидан келган табриқ хатларини ўқиб берди.

Буюк Британия комсомолнинг секретари жоми Маршалл Англия ёшларининг тинчлик учун, социализм учун кураши ҳақида гапириб берди.

Мажлис охирида Компартия бош секретари Жон Голлан катта нутқ сўзлади.

### ИОРДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ УЛДИРИЛДИ

ЛОНДОН, 29 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: Бугун Оммонда Иордания бош министри Хазаа Алмажолди ўлдирилди. Бош министр ўз резиденциясида бомба портлаганили натижасида ҳалок бўлди. Бинода бўлган бир неча ўн киши ҳам заарланди.

БАЙРУТ, 29 август. (ТАСС). Оммондан олдинга хабарларда айтилишича, бомбанинг портлаши натижасида Иордания бош министри Хазаа Алмажолди ўлган. Бомбанинг портлаши ташқи ишлар министрлигининг бизнесини вайрон қилган, бош министрнинг кабинетини ва маҳкамаси шу бинода жойланган эди. Хабар беришларича, тўққиз киши ўлган ва эзликдан кўпроқ киши ярдор бўлган. Оммонда фақуҳода ҳолат жорий қилинган. Аскарлар шаҳар кўчаларида соқчилик қилмоқдалар.

### ТОШКЕНТИНИНГ ТАЖИК ЗАМАНАСИ

Оқ қон қишқи «ВАТАН», «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 3, кеч 7 ва 9 да), «ЭГИ» «ВАТАН» (кеч 9 ва 10-40 минут), КАФАНОВ номли (кеч 8-50 минут ва 10 яримда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 яримда), ПУШКИН номли (кеч 11 да).

Биринчи синф (1- серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «ЭГИ» НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 минут ва 10 да), «УДАРИ» (кеч 8-50 минут ва 10 яримда).

Янги Дехли (1 ва 2 серия) — кишин НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 2 ярим ва 5-20 минутда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10 да), ПУШКИН номли (кеч 8 яримда).

Маҳаллада дув-дув гап — кишин НАВОИЙ номли (кундуз соат 12-50, кеч 8-20 минут ва 10 да) — Ўзбек тилида. «СПУТНИК» (кундуз 5 ва кеч 6 да) — рус тилида.

Баҳор момақалдиқлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10-20 минутда).

Синдбоднинг еттинчи саҳнати — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 4, кеч 8 ва 10 да).

Малахов кўрғони — «Октябрь», «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Бабетта урушга боради (япн кенг экранли кинокомедия) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда).

Эрксиз шофер — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 яримда).

### АФРИКА ОЗОДЛИГИ ИЛИ

АДДИС-АБЕБА, 29 август. (ТАСС). Эфиопия матбуоти Хафсизлик Кенгазининг Африкадаги янги мустақил давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорини табрикламоқда. «Войс оф Эфиопия» газетаси ёзади: «Бу йил Африка қитъасининг ҳақиқатан ҳам озодлиги йилдир». Африкадаги янги давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги, деб таъкидлайди газета, Бирлашган Миллатлар Ташкилотиди Африка блокнини кучайтиради ва ана шу халқаро ташкилотнинг ишчанлик қобилиятини оширади, чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилотиди янги аъзоларнинг садоси тинчликни сақлаш ва бошқа қарам мамлакатларни озод қилиш ишига ёрдам бериши мумкин.

### ЭРОН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ПАРИЖ, 29 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Техрондан хабар беради:

Эрон шоҳи бугун бош министр Манучер Икбол бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфосини қабул қилганлиги бу ерда расмий суратда эълон қилинди.

Янги ҳукуматни тузиш саноат ва кон министри Шариф Имомийга топширилади, деб тахмин қилинмоқда.

ЛОНДОН, 29 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Техрондан хабар беради: Техронда шонинг Шариф Имомийни Эрон бош министри қилиб тайинлаганили расмий суратда эълон қилинди.

### ЛАОС ЯНГИ ҲУКУМАТИНИНГ ТУЗИЛИШИГА ДОИР

НЬО-ПОРК, 30 август. (ТАСС). Ассошиейтед Пресс агентлигининг мухбири Жуан-Прабрандан хабар беради: Лаос короли кеча шахзода Суванна Фумани бош министр қилиб тасдиқлади.

Жуан Прабрандаги мансабдор кишилар Суванна Фума янги кабинетни 30 августда миллат мажлисига тақдим этса керак, дедилар.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕ.

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

### 1960—61 йил мавсуми очилади

3/IX да — М. Ашрафий — Дилором, 4 парда, 7 кўринишли опера.  
4/IX да — кундуз Хатт муанаси — Этик кийтан мушук, 4 парда, 7 кўринишли ҳажвий опера.  
4/IX да — кечкурун: Римский-Корсаков музикани — Шахризода, 1 парда, 4 кўринишли балет.

Штраус музикани — Штраусена, 1 пардали балет.  
Равель музикани — Болеро, 1 пардали балет.

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

### Шу йил 1 сентябрдан ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА 1961 йил учун ЯККА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ

Обуна алоқа бўлимларида ва Тошкент почтаамтида, «Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача, якшанба кунларида эса соат 9 дан 18 гача, шунингдек фабрика, завод, муассаса ва ўқув юртлиридаги жамоатчи нақиллар томонидан қабул қилинади. Бирлашган нашриёт.

### ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент университетининг галантереев буюмлари бўйла шу кунларда айниқса таъжуб. Бу ерда галантереев буюмлари выставкас очилди. Уни келиб кўраётган харидорлар дилларига ёққан буюмларини сотиб олмоқдалар. Шунингдек улар таъриф хатларларига ўз мулоҳазаларини ёзиб қолираётганлар.

Выставкада турли ҳажмдаги чемо, дамлар, уларнинг геолофлари, сақажлар, чарм ва суний чармдан ишланган хотин-қизлар, болаларнинг катта-кичик сумкалари, аркак ва хотин-қизларнинг кўнгралири, каби 50 хилдан ортиқ ҳар хил буюм намойиш қилинмоқда.

— Выставка таъшиқ қилинган мақсад, — дейди эгар — жабдух-галантереев фабрикасининг бош инженери ўртоқ С. Муҳитдинов, — меҳнаткашлар талаб ва ҳаётининг кўнгра ўзгариш, бундан бун аҳоли севиб олганлиги буюмларни қўлаб ишлаб чиқаришдир.

### МАШИНАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бугун Тошкентда очиладиган республика механизаторларининг иккинчи съезди муносабати билан Театр майдонида пахтачиликка оид машиналар кўргазмаси ташкил қилинди. Бу ерда республика Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг пахтакорлар учун яратётган энг яхши машиналари қўйилган.

Пахта тарадиган ХВС-1,2 машинаси, пахтани тарасиз ташинишга мўлжалланган трактор прпцен самосвали, кўсак тарадиган СХ-12 маркали машина, гўзани чеканка қиладиган машиналар ва ВТХ-8/2 маркали вентилятор каби қишлоқ хўжалик техникаси шулар жумласидандир. Механизаторлар вертикаль шпинделли ва горизонталь шпинделли пахта тарадиган машиналарининг янги нусхалари билан қизиқиб танишмоқдалар. Суратда: тамошабинлар Театр майдонига қўйилган янги қишлоқ хўжалик техникасини кўздан кечирмоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

### КЕЧКИ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚКАТИГА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги кечки марксизм-ленинизм университетининг машғулотлари шу йил 2 сентябрь соат 19 да Тошкент олий партия мактабининг янги биносида (Луначарское шоссе, 54-уй, 1, 2, 4-автостанцияси) таълимном клуб оствановкасида, революция Скверидан кетадиган 4-маршрутта қўшмича равинида автобуслар қўйилади бошланади.

Университетнинг филиалларидаги машғулотлар илгарти биланларда илгартича белгиланган кунларда ўтказилади.

### КЕЧКИ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ ДИРЕКЦИЯСИ.

### Об-хаво қандай бўлади?

Бугун кундузи Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ҳавонинг асосан очик бўлиши кутилади, кучсиз шамол эсади, Эрталаб Тошкентда 15-17, областада 14-18, кундузи Тошкентда 32-34, областада эса 32-35 даража иссиқ бўлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АНТИДЕГ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет кўрилиш бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.